



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
TOSHKENT SHAHAR HOKIMLIGI

OBODONLASHTIRISH BOSH  
BOSHQARMASI BOSHQARUVCHISI

100066 Toshkent sh. Chilonzor tumani M. G'ofurov ko'chasi, 127-uy


№ 163/01

“16” mart 2022-yil

**R.Yusupovga va X.Yakubovga - nazorat**  
**G.Ismagilovga – umumlashtirish**  
**I.Xadrاليyevaga, N.Abduraxmonovga,**  
**A.Isaqovga, I.Yakubovga**  
**MADX rahbari – A.Nadjimidinovga**  
**MMOIB rahbari – N.Maxkamovga**  
**IXKOTIB rahbari – D.Esonovga**  
**XOXXIB rahbari – G.Axmatshikovga**  
**FXKB rahbari – S.Ibragimovga**  
**Barcha TOB rahbarlariga**

O'rnatilgan tartibda ko'rib chiqib, tegishli ishlarni  
amalga oshiring va lozim topilsa buyruq tayyorlang.

15.03.2022 y.

 A.Umarov



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING Q A R O R I

2022 йил «15» март

Тошкент шаҳар ҳокимлиги

255-14-0-Q/22

### Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2022 йил 17 февралдаги VI-56-38-14-0-К/22-сонли қарори ижроси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-46-сонли Фармони ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2022 йил 17 февралдаги “Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил давомида шаклланган кўшимча манбаларини харажатларга йўналтириш ҳақида”ги VI-56-38-14-0-К/22-сонли қарори ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2021 йил 29 декабрдаги “2022 йилда Тошкент шаҳрида ободонлаштириш ва гул кўчатларини экиш ишларини тизимли ва уюшқоқлик билан ташкил этиш тўғрисида”ги 129-14-0-F/21-сон фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг қурилиш ва коммуникацияларни ривожлантириш, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича мажмуасининг 2022 йил 2 мартдаги 03-232-сонли ҳамда Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармасининг 2022 йил 7 февралдаги 1-11/266-сонли мурожаатларини инобатга олиб,

### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2022 йил 17 февралдаги “Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил давомида


шаклланган кўшимча манбаларини харажатларга йўналтириш ҳақида”ги VI-56-38-14-0-К/22-сонли қарорига асосан, Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси тизимидаги ихтисослаштирилган бошқармалар ва туман Ободонлаштириш бошқармаларига жами 30 289,6 млрд. (ўттиз миллиард икки юз саксон тўққиз миллион олти юз минг) сўм, жумладан:

Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси тизимидаги Марказий авария диспетчерлик хизматининг “Дайди хайвонларни тутиш махсус отряди”га ўлган хайвонлар жасадларини йўқ қилиш мажмуаси (янги Бекқари) кудуқлари қуриш учун 289,6 млн. (икки юз саксон тўққиз миллион олти юз минг) сўм;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПФ-46-сон Фармониға мувофиқ бутун мамлакат бўйлаб дарахтзорларни кўпайтиришга қаратилган қуйидагиларни назарда тутувчи “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини тағбиқ этиш мақсадида, Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси тизимидаги ихтисослаштирилган бошқармалар ва туман Ободонлаштириш бошқармалари томонидан Тошкент шаҳри ҳудудида 2022 йил баҳор мавсумида манзарали дарахтлар, буталар ва минерал ҳамда органик ўғитлар харид қилишга жами 22,5 млрд. (ийгирма икки миллиард беш юз миллион) сўм;

Тошкент шаҳар ҳокимининг “2022 йилда Тошкент шаҳрида ободонлаштириш ва гул кўчатларини экиш ишларини тизимли ва уюшқоқлик билан ташкил этиш тўғрисида”ги 129-14-0-F/21-сон фармойиши билан тасдиқланган “2022 йилда гул кўчатларини экиш” дастуриға мувофиқ Тошкент шаҳрида баҳор-ёз мавсумида мавсумий гул кўчатларини харид қилиш ва экиш ишларини ташкиллаштириш учун 7,5 млрд. (етти миллиард беш юз миллион) сўм маблағлар ажратилганлиги инобатга олинсин.

2. Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил 1 январь ҳолатиға шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси тизимидаги Марказий авария



диспетчерлик хизматига "Дайди хайвонларни тутиш махсус отряди"га ўлган хайвонлар жасадларини йўқ қилиш мажмуаси (янги Бекқари) қудуқлари қуриш билан боғлиқ харажатларга 289,6 млн. (икки юз саксон тўққиз миллион олти юз минг) сўм маблағ тақсимлансин.

3. Дарахт, бўта ва гул кўчатларини харид қилиш ҳамда экиш ишларини амалга ошириш ишлари билан боғлиқ харажатларга Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил 1 январь ҳолатига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан жами 12,5 млрд. (ўн икки миллиард беш юз миллион) сўм маблағ 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тақсимлансин.

4. Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари (Х.Шакиров): тақсимланган маблағлар ижроси бўйича халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ҳисобот киритилсин.

5. Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси (Л.Исмагуллаев): 2022 йил Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига тегишли ўзгартришлар киритилсин.

6. Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси (А.Умаров), Ирригация хўжалиги ва кўкаламзорлаштириш объектларини таъмирлаш ихтисослаштирилган бошқармаси (Д.Эсонов), Марказий майдонларни ободонлаштириш ихтисослаштирилган бошқармаси (Н.Маҳкамов), Ҳукумат объектларида хизмат кўрсатиш ихтисослаштирилган бошқармаси (Ғ.Ахмадшиков), Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармаси (С.Ибрагимов), туманлар ҳокимлари ва туман Ободонлаштириш бошқармалари зиммасига:

ажратилган маблағлар қонун ҳужжатларига амал қилган ҳолда мақсадли сарфланишини таъминлаш ишларини амалга ошириш;

бажарилган ишларнинг сифатини мониторинг қилиб бориш тизимини жорий этиб, амалга оширилган ишлар бўйича Тошкент шаҳар ҳокимлигига ҳисобот бериш вазифалари юклатилсин.

7. Тошкент шаҳар бўйича Ғазначилик бошқармаси (М.Зарипов):

ажратилган маблағларни ўрнатилган тартибда молиялаштириш чоралари кўрилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Тошкент шаҳар Давлағ молиявий назорати бошқармаси (Ш.Яриев):

ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назорат ўрнатилсин.

9. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2022 йил 4 мартдаги "Маблағ ажратиш тўғрисида"ги 46-14-0-F/22-сонли фармойишининг 1-бандидаги "1 400,0 млн. (бир миллиард тўрт юз миллион)" сўзлари "900,0 млн. (тўққиз юз миллион)" сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.Шакиров зиммасига юклатилсин.

Toshkent shahar hokimi



ARTIKHODJAYEV J. A.

Toshkent shahar hokimining  
2022 yil 15 martdagi  
255-14-0-Q/22-son qaroriga  
1-ilova

**Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси тизимидаги**  
**Ихтисослаштирилган бошқармаларига дарахт, бўта ва гул кўчатларини**  
**харид қилиш ҳамда экиш ишларини амалга ошириш ишлари билан**  
**боғ-лик харажатларга ажратилган маблағлар**

## ТАҚСИМОТИ

миңг.сўмда

№	Худуд номи	Дарахт ва бута кўчатлари	Гул кўчатлари	Жами
1	Ирригация хўжалиги ва кўчалардорлаштириш объектларини таъмирлаш ихтисослаштирилган бошқармасига	1 900 000	450 000	2 350 000
2	Марказий майдонларни ободонлаштириш ихтисослаштирилган бошқармасига	963 000	200 000	1 163 000
3	Хукумат объектларида хизмат кўрсатиш ихтисослаштирилган бошқармасига	1 187 000	200 000	1 387 000
4	Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармаси	50 000	50 000	100 000
<b>Жами</b>		<b>4 100 000</b>	<b>900 000</b>	<b>5 000 000</b>

Toshkent shahar hokimining  
2022 yil 15 martdagi  
255-14-0-Q/22-son qaroriga  
2-ilova

**Туман Ободонлаштириш бошқармаларига дарахт ва гул кўчатларини**  
**харид қилиш ҳамда экиш ишларини амалга ошириш ишлари билан**  
**боғ-лик харажатларга ажратилган маблағлар**

## ТАҚСИМОТИ

миңг.сўмда

№	Худуд номи	Дарахт ва бута кўчатлари	Гул кўчатлари	Жами
1	Шайхонтохур тумани	425 000	50 000	475 000
2	Учтепа тумани	425 000	50 000	475 000
3	Чилонзор тумани	475 000	50 000	525 000
4	Миробод тумани	500 000	50 000	550 000
5	Мирзо Улўбек тумани	375 000	50 000	425 000
6	Яккасарой тумани	475 000	50 000	525 000
7	Олмазор тумани	575 000	50 000	625 000
8	Яшнобод тумани	975 000	50 000	1 025 000
9	Сергели тумани	775 000	50 000	825 000
10	Бектемир тумани	550 000	50 000	600 000
11	Юнусобод тумани	975 000	50 000	1 025 000
12	Янгиҳаёт тумани	375 000	50 000	425 000
<b>Жами</b>		<b>6 900 000</b>	<b>600 000</b>	<b>7 500 000</b>